

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTАН**

« 20 » февраль 2019 у.

№ 149

Toshkent sh.

**Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Мусиқа соҳаси
педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 8 августдаги ПҚ–3178-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, мусиқа соҳасидаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 11 нафардан иборат тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирига, зарур ҳолларда, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

3. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ўқув-методик базасини шакллантириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларга ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштиришни таъминлаш;

муסיқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларининг илмий муаммоларига йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланишлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;

ўқитишнинг замонавий шакл ва услублари, самарали педагогик технологиялар, электрон ахборот ресурсларидан кенг фойдаланган ҳолда таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш;

муסיқа соҳаси педагогларининг малакасини ҳар беш йилда бир марта ошириш, бунда илғор халқаро тажрибадан кенг фойдаланиш, профессионал билимларни ва кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган самарали ўқитиш дастурлари ва услубларини жорий этиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва хорижий тилларни самарали ўзлаштиришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

халқаро танловларда муносиб қатнашадиган иктидорли ёш профессионал муסיқачилар тайёрлаш учун уларнинг кўникма ва билимларини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ўқитиш дастурлари ва услубларини жорий этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, Марказ юридик шахс мақомига, ўз уставига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ҳамда бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварағига эга бўлган, муסיқага ихтисослаштирилган мактаб (мактаб-интернатлар), ўрта махсус ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, хусусан, болалар муסיқа ва санъат мактабларининг педагог ходимларини (кейинги ўринларда муסיқа соҳаси педагоглари деб аталади) қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисослаштирилган илмий-методик ва таълим муассасаси ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

а) бир ҳафта муддатда Марказга Ўзбекистон давлат консерваторияси худудидан бино ва хоналар ажратиш чораларини кўрсин;

б) икки ой муддатда:

соҳани ривожлантиришга йўналтирилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Марказ уставини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин ва унинг давлат рўйхатида ўтказилишини таъминласин;

Марказни юқори малака ва тажрибага эга бўлган кадрлар, шунингдек, халқаро даражадаги танловларнинг ғолиб ва совриндорлари бўлган малакали муסיқа соҳаси мутахассислари билан таъминласин;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари учун ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, уларнинг доимий равишда такомиллаштириб борилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

тизимида мусика соҳаси педагог ва мутахассислари бўлган вазирлик ва идоралар ҳар йили 15 ноябрга қадар тегишли муассасаларда фаолият юритаётган мусика соҳаси педагог ва мутахассисларининг эгаллаб турган лавозимига кўра малака ошириш курсларидан ўтиши бўйича белгиланган даврийликни инобатга олган ҳолда кейинги календарь йилда малака ошириш курсларига ўқишга юбориладиган тингловчилар контингентини шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига тақдим этиб борадилар;

Марказ ходимларига олий таълим муассасалари учун белгиланган меъёрлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари татбиқ этилади;

таълим жараёнига олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда мусика соҳасидаги етакчи мутахассислар жалб этилганда, уларга белгиланган тартибда соатбай асосида иш ҳақи тўланади.

7. Қўйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловларнинг натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

тўлов-контракт асосида тингловчиларни ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушадиган маблағлар;

таълим хизматлари кўрсатишдан, илмий-ўқув, ўқув-методик, илмий ва ахборот-таҳлилий маҳсулотларни ишлаб чиқишдан ва бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари, хорижий ва донор ташкилотларнинг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки, Марказни сақлаш харажатлари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади, 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4067-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида Марказ қурилиши учун 10 млрд. сўм маблағ назарда тутилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилга мўлжалланган ривожланиш давлат дастури параметрларини шакллантиришда Марказни қуриш ҳамда жиҳозлаш ишлари учун белгиланган тартибда маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказга 1 та хизмат автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.С. Сайфуллаев зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “20” февралдаги ~~149~~ сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Мусиқа соҳаси педагогларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони (профессор-ўқитувчилар таркиби, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар ҳисобга олинмаган ҳолда) – 11 нафар.

**) Марказ Хўжалик бўлимининг техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари ҳамда кафедраларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлари сони қонун ҳужжатларида олий таълим муассасалари учун ўрнатилган нормативларга мувофиқ белгиланади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “20 февралдаги 149 - сон қарорига
2-илова

**Муסיқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом давлат ҳамда нодавлат муסיқага ихтисослаштирилган мактаб (мактаб-интернатлар), ўрта махсус ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, хусусан, болалар муסיқа ва санъат мактабларининг педагог ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Ўзбек миллий мақом маркази”, ансамбллар, оркестрлар раҳбар ва ходимларини (кейинги ўринларда муסיқа соҳаси педагог ва мутахассислари деб аталади) қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

2. Муסיқа соҳаси педагог ва мутахассислари бўйича лавозимлар ва мутахассисликлар номенклатураси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан шакллантирилади.

3. Давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг муסיқа соҳаси педагог ва мутахассислари Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Муסיқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) билан тузилган шартнома асосида мазкур Низомга иловадаги схема бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтадилар.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

буюртма – давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг муסיқа соҳаси педагог ва мутахассисларини тизимли таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, шунингдек, нодавлат таълим муассасалари ҳисобидан молиялаштириладиган малака ошириш курсларидан ўтишнинг даврийлигига мувофиқ кейинги календарь йил учун ойлар ва ўқиш йўналишлари бўйича шакллантирилган тингловчилар контингенти;

буюртманома буюртмачи томонидан муסיқа соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсига қабул қилиш учун Марказга тақдим этиладиган ва мазкур Низомда белгиланган тартибда расмийлаштирилган педагог ва мутахассислар рўйхати;

буюртмачи – тасарруфида муסיқа соҳасидаги ўрта, ўрта махсус, мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар, шунингдек, нодавлат таълим муассасалари;

контингент – давлат тасарруфидаги муסיқага ихтисослаштирилган мактаб (мактаб-интернатлар), ўрта махсус ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, хусусан, болалар муסיқа ва санъат мактабларининг муסיқа соҳаси, шунингдек, нодавлат таълим муассасалари педагог ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Ўзбек миллий мақом маркази”, ансамбллар, оркестрларнинг раҳбар ва ходимларининг фаолиятини тизимли

таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, шунингдек, нодавлат таълим муассасаси ҳисобидан молиялаштириладиган малака ошириш курсларидан ўтишнинг белгиланган даврийлигига мувофиқ кейинги календарь йил учун ойлар ва ўқиш йўналишлари бўйича шакллантирилган тингловчилар рўйхати;

малака талаблари – қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар;

педагог ходим – мусикага ихтисослаштирилган мактаб (мактаб-интернатлар), ўрта махсус ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, хусусан, болалар мусика ва санъат мактабларида таълим-тарбия фаолиятини амалга оширувчи ўқитувчи;

тингловчи – Марказ директори буйруғи билан қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсига қабул қилинган мусика соҳаси педагог ва мутахассислари;

тьютор (педагог ўқитувчи-консультант) – масофавий малака ошириш таълим жараёнида тегишли ўқув модули бўйича тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи, методик ёрдам кўрсатувчи, ўқиш ва билиш назоратини амалга оширувчи субъект;

якуний назорат – тингловчиларни якуний тест синовлари ва битирув малакавий (курсни тугатиш) ишига қўйилган баҳолар йигиндиси.

2-боб. Мусика соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг мақсади ва вазифалари

5. Ўқув жараёнини малака талабларига мувофиқ юқори илмий-услубий даражада таъминлаш, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, шунингдек, ўқитишнинг интерактив усуллари бўйича касбий ва педагогик маҳоратни доимий равишда ривожлантиришга кўмаклашиш учун зарур бўлган касбий билимлар ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш, мусика соҳаси педагоглари кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг (кейинги ўринларда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари деб аталади) мақсади ҳисобланади.

6. Қуйидагилар Мусика соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг вазифалари ҳисобланади:

мусика соҳаси педагог ва мутахассислари касбий маҳорати даражасининг лавозим малака тавсифларига мувофиқлигини таъминлаш;

мусика соҳаси педагог ва мутахассисларини конунчилик нормалари, назария, илмий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва соҳадаги инновациялар, шунингдек, таълим амалиётини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқлари билан таништириб бориш;

мусика соҳаси педагог ва мутахассислари салоҳиятидан ҳамда мавжуд моддий-техника базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этган ҳолда мусика соҳаси педагоглари кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятининг сифати ва самарадорлигини оширишни таъминлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан кенг фойдаланган ҳолда, мусика соҳаси педагогларига замонавий иш услубларини ўзлаштиришга, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни ўз фаолиятига фаол татбиқ этишига кўмаклашиш;

мусика соҳаси педагог ва мутахассисларининг касбий билими, кўникмаси ва маҳоратини узлуксиз янгилаб бориш, замонавий талабларга мувофиқ таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш;

мустақил фикрлаш кўникмаларини сингдириш, педагогик нуфузни ва компетентликни ривожлантириш;

мусика соҳаси мутахассисларини замонавий мусикий репертуардаги ўзгаришлар, композиторлик ва бастакорлик ижодиётидаги янгиликлардан хабардор қилиш ва меҳнат фаолиятига сингдириш;

рахбар ходимларнинг мусика соҳаси педагог ва мутахассисларини бошқариш малакаларини шакллантириш, мусика соҳасидаги янгиликларни таҳлил қилиш ва жорий этишга ўргатиш, хорижий тажрибаларни ўзи раҳбарлик қилаётган муассасага татбиқ этиш, инновацияларни жорий этишга ўргатиш;

ўқув-тарбиявий ва маънавий-ахлоқий ишларни амалга оширишда илғор таълим-тарбия технологияларидан ва жаҳон тажрибасидан фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш;

мусика соҳаси педагог ва мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ҳамда ўқув-методик ишларни олиб бориш кўникмаларини шакллантириш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тўғридан-тўғри шакллари амалиётга жорий этиш;

мусика соҳаси педагог ва мутахассислари томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва хорижий тилларни ўзлаштириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш;

Ўзбекистон давлат консерваторияси кафедраларининг мусикага ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактаблари (мактаб-интернатлари), ўрта махсус ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, хусусан, болалар мусика ва санъат мактаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Ўзбек миллий мақом санъати маркази”, ансамбллар, оркестрлар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш;

педагоглари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

3-боб. Мусика соҳасидаги педагог ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида таълим жараёнининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари

7. Мусика соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида таълим жараёнининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ белгиланади ҳамда уларда таълим жараёнини ташкил

этишни, унинг мазмунини, методик таъминлашни, сифат ва самарадорлигини оширишни такомиллаштиришга доир талаблар акс эттирилади.

8. Мусика соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида таълим дастури мазмунига қўйиладиган талаблар йўналишлар бўйича зарур ҳамда етарли билим ва кўникмаларни ўзлаштириш ҳисобга олинган ҳолда, педагог ва мутахассисларнинг малака тавсифларига катъий мувофиқлик тамойиллари асосида белгиланади.

9. Таълим дастури илм-фан, педагогик ва инновацион технологияларнинг сўнгги ютуқларига мувофиқ ташкил этилиши ҳамда таълим турлари ўртасида узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш талабларига мос бўлиши керак.

Таълим дастурида таълим олувчилар томонидан билимларни мустақил излаш ва уларни ўзлаштириш назарда тутилиши лозим.

Марказнинг ўқув режаси ва дастурларини тузиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва уларни таълим жараёнига жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан амалга оширилади.

4-боб. Мусика соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими

10. Мусика соҳасининг педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги;

Ўзбекистон давлат консерваторияси (кейинги ўринларда Консерватория деб аталади);

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Мусика соҳаси педагог ва уларнинг мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади);

буюртмачи.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади):

мусика соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига умумий раҳбарлик қилади ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

буюртма асосида ташкил этиладиган малака ошириш курсларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириш учун Молия вазирлигига таклиф киритади;

кейинги календарь йили учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган малака ошириш курсларини, ойлар, малака ошириш шакллари ва ўқиш йўналишлари бўйича буюртмани шакллантиради ва тасдиқлайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёнини такомиллаштириш механизмлари ва услубларини белгилайди, тегишли ўқув-методик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари билимларини баҳолаш мезонларини тасдиқлайди;

Марказнинг ахборот-ресурс маркази ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари битирувчиларининг тайёргарлиги ва компетенциясига қўйиладиган малака талабларини тасдиқлайди;

муסיқа соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини такомиллаштиришга доир мақсад ва вазифаларни белгилайди;

муסיқа соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир малака талаблари, ўқув режа ва дастурларини тасдиқлайди;

муסיқа соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни такомиллаштириш механизми ва усулларини, таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш жараёни самарадорлигини аниқлайдиган динамик кўрсаткичларни ҳамда тингловчиларнинг прогноз контингентини белгилайди;

Марказнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига илмий салоҳиятли, маҳоратли, илмий мактаб яратган, дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи бўлган, доимий равишда касбий маҳоратини ва малакасини ошириб бораётган педагог ходимларни жалб этади.

12. Консерватория:

педагогларнинг касбий билими ва малакасини ошириш ишларига илмий-методик жиҳатдан раҳбарлик қилади;

таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олиб, ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг интерактив усулларида фойдаланган ҳолда педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича намунавий ўқув режасини, дастурини, ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқади;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг самарали шакллари жорий этишнинг илмий-методик ва ташкилий-методик асосларини ишлаб чиқади;

таълимнинг илғор шакл ва усуллари, замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига жорий этиш асосида, педагог ва бошқа мутахассис ходимларнинг касбий билими, кўникмаси ва малакаларини ошириш чораларини кўради;

муסיқа соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги хорижий тажрибаларни, шунингдек, энг яхши таълим муассасаларининг ютуқларини оммалаштириш асосида илмий асосланган инновацияларни жорий этади;

Марказ билан биргаликда намунавий ўқув режаси ва дастурлари асосида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг барча шакллари бўйича ишчи ўқув режаси ва дастурларини, илғор ўқитиш услублари ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда йўналишлар бўйича таркатма материаллар ишлаб чиқади;

Марказ томонидан ўқув режаси ва дастурларининг бажарилишини назорат қилади;

кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг амалий ва кўчма машғулотларининг касбий йўналишга оид ихтисослашган таълим муассасалари базасида ўтказилишини ташкил этади;

кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёнига олий таълим муассасасида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларни, шунингдек, шартнома асосида мамлакатнинг бошқа олий таълим муассасаларининг юкори малакали педагог ходимларини ва хорижий мутахассисларни кенг жалб этишни таъминлайди;

илғор педагогик технологияларнинг шакл ва усулларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига жорий этишга кўмаклашади;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ишчи ўқув режаси ва дастурларини такомиллаштиради;

тегишли йўналишлар бўйича етакчи хорижий илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиб, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида онлайн режимда малака ошириш тизимини ташкил этишни таъминлайди;

кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тегишли ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқади;

кайта тайёрлаш ва малака ошириш курси машғулотларининг сифатини доимий назорат қилади;

педагогика соҳасида эришилган илмий-тадқиқот натижаларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига ўз вақтида жорий этишни таъминлайди;

Марказ профессор-ўқитувчиларининг илмий изланишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратади;

кайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнининг зарур даражада ташкил этилиши ва ўтказилиши учун жавоб беради;

Марказда ташкил этиладиган конференция, форум ва илмий-амалий анжуманларнинг ўтказилишига кўмаклашади;

Марказ фаолияти юзасидан ахборотни ҳар 6 ой якунлари бўйича Консерватория кенгашида муҳокама қилади ва Марказ фаолиятини янада такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларни Вазирликка тақдим этади.

13. Марказ:

музыка соҳаси педагог ва мутахассислари учун қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илғор шакл ва усулларини жорий этади;

музыка соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурларини такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқот ҳамда ўқув-услугий ишларни олиб бориш кўникмаларини ривожлантиради;

масофадан ўқитиш усуллари асосида музыка соҳаси педагог ва мутахассислари учун ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тегишли ўқув-услугий ресурсларини ишлаб чиқади, курслардаги ўқув машғулотларини онлайн ва оффлайн шаклларида ташкил этишни янада такомиллаштиради;

тегишли йўналишлар бўйича фанларнинг умумқасбий ва махсус блоклари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкил этади ҳамда улар бўйича замонавий услубий, ахборот-маълумотнома базасини яратади;

буюртмачи ташкилотлар билан ҳамкорликда мусика соҳаси педагог ва мутахассислари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурларини узлуксиз такомиллаштириб боради;

ўқув-тарбия жараёнининг амалиёт базалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлайди, мусика соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини кўчма машғулотлар орқали замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган таълим муассасаларида ташкил этади;

инновацион илмий ютуқларни, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологияларни таълим тизимига жорий этади.

14. Буюртмачи:

мусика соҳаси педагог ва мутахассислари фаолиятининг тизимли таҳлилин амалга оширади ва электрон маълумотлар базасига киритиб боради;

малака ошириш даврийлигига амал қилган ҳолда мусика соҳаси педагог ва мутахассисларини кейинги календарь йил учун ҳар йилнинг 15 ноябрига қадар уларнинг эгаллаб турган даражасига кўра курслардан ўтиши бўйича белгиланган даврийликни инобатга олган ҳолда малака ошириш курсларига юбориладиган тингловчилар контингентини шакллантиради ва Вазирликка тақдим этади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режаси, дастури, ўқув-услубий ва бошқа ҳужжатларини тайёрлашда, ўқув курсларининг давомийлиги, даврийлиги ҳамда ташкил этиш шакллари бўйича Вазирликка таклифлар киритади;

меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда янги мутахассисликка талаб ортиши муносабати билан айрим мусика соҳаси педагог ва мутахассисларининг қайта ихтисослашуви юзасидан Вазирликка таклифлар киритади.

5-боб. Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг турлари ва шакллари

15. Мусика соҳаси педагог ва мутахассисларининг малакасини ошириш тўғридан-тўғри (таълим дастурлари бўйича ўқитиш) ва билвосита (таълим дастурларисиз ўқитиш) шаклларда ташкил этилади.

16. Мусика соҳаси педагог ва мутахассисларининг малакасини оширишнинг қуйидаги тўғридан-тўғри малака ошириш шакллари қўлланилади:

Марказда ўқитиш;

“устоз-шогирд” усули бўйича ўқитиш;

мустақил ўқиб билим орттириш;

масофавий таълим;

стажировка ўташ орқали тажриба орттириш.

17. Марказда ўқитиш якка тартибдаги топшириқлар ёки аниқ йўналтирилган дастурлар асосида, таълимнинг тегишли тури ўқув жараёнининг мониторинги натижаларини ва ходимлар тайёрлаш сифатини ҳисобга олиб, малака талабларига, шунингдек, таълимни бошқариш бўйича Вазирлик талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган фанлар бўйича мақсадли касбий таълим дастурларини ўзлаштиришдир.

Малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитиш 2+2 ёки 3+1 схемалари бўйича (тегишли равишда 50 ёки 75% – яшаш жойи бўйича мустақил равишда билим орттириш, 50 ёки 25% – бевосита таълим муассасасида) масофадан малака ошириш шаклида ташкил этилиши мумкин. Ўқитишнинг бундай шакллари ахборот узатишнинг замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва педагогларнинг малакасини ошириш бўйича махсус виртуал курслар мавжуд бўлган тақдирда қўлланилади.

18. “Устоз-шогирд” усули бўйича ўқитиш танлов асосида саралаб олинган, мамлакатда (минтақада), илмий ва педагогик жамоатчилик ўртасида ўзининг юқори натижалари, касбий фаолиятининг юқори кўрсаткичлари, рақобатбардош ходимлар тайёрлаш бўйича ўз мактаби билан машхур бўлган юқори малакали педагог-устозлар раҳбарлигида тегишли таълим муассасаларида фанлар бўйича мусика соҳаси педагог ва мутахассисларининг малакасини мақсадли ошириш ҳисобланади.

19. Мустақил ўқиб билим орттириш мусика соҳаси педагог ва мутахассислари томонидан касб маҳоратини оширишга, касбий лаёқат ва илмий дунёкарашни кенгайтиришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг ўз лавозими ва мутахассислиги бўйича янги билим, кўникма ва малакаларни узлуксиз равишда мустақил ўзлаштиришини назарда тутди.

Мустақил равишда билим олиш мусика соҳаси педагог ва мутахассислари узлуксиз таълимининг (малака оширишининг) ажралмас таркибий қисмидир, у ахборот технологияларининг эгаллаб олинишини рағбатлантиради. Мустақил таълим белгиланган тартибда, малака оширишнинг тегишли таълим дастурлари бўйича амалга оширилган бўлса, билимларнинг якуний назорати натижалари асосида педагог ва мутахассисларга Марказ томонидан малака оширганлик ҳақида белгиланган намунадаги ҳужжат (сертификат) берилади.

Малака оширишнинг ушбу шакли таълим дастурини таълим олувчи томонидан тузилган ва Марказ томонидан тасдиқланган якка тартибдаги режа асосида мустақил ўқиш воситасида ўзлаштиришни назарда тутди.

Мустақил ўқиб билим орттириш шаклида малака ошириш барқарор юқори профессионал рейтингга эга бўлган, замонавий ахборот технологиялари билан ишлашнинг амалий кўникмаларини эгаллаган, ўзини ўзи камол топтириш жараёнига танқидий ва ижодий ёндаша оладиган тингловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан тавсия этилади.

20. Масофавий таълим – онлайн (видеомаърузалар, маслаҳатлар, назорат турларини масофадан туриб реал вақт режимида ўтказиш) ва оффлайн (масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) шаклида амалга оширилади.

21. Стажировка ўташ орқали тажриба орттириш – таълим муассасаларида педагогларни таълим ва уни бошқариш соҳасидаги фан ва техника

тараккиётининг энг янги ютуқлари, замонавий техника ва технологиялар билан таништиришни, раҳбарлик салоҳиятини оширишни назарда тутди.

Стажировка хизмат сафарига юбориш тарзида ҳам амалга оширилади.

Стажировка тамом бўлгандан кейин ходимларга стажировка муддати кўрсатилган ҳолда уларнинг стажировкадан ўтганлиги тўғрисида тажриба орттирилган муассаса раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган маълумотнома берилади.

22. Қисқа муддатли курслар малака ошириш таълим дастурлари асосида ташкил этилган инновацион менежмент, педагогик ёки ахборот технологияларини ўзлаштириш курсларида ўқиш бўлиб, мусика соҳаси педагог ва мутахассисларининг малакасини оширишнинг тўғридан-тўғри шакллари тарзида амалга оширилади. Ушбу курслар мажбурий бўлмаган ҳолда педагог ва мутахассисларнинг касбий ўсишига кўмаклашади.

Мазкур курсларнинг таълим дастурлари малака ошириш таълим дастурларининг муайян қисмини (фан блоклари ёки модулларини) қамраб олган ва Марказ томонидан ушбу курслар ўтказилган бўлса, курсларни тамомлагандан кейин берилган сертификатларда кўрсатилган ўқиш соатлари ҳажми навбатдаги малака ошириш бўйича зарур соатларнинг жами ҳажмига киради (ҳисобга олинади).

23. Мусика соҳаси педагог ва мутахассислари малакасини оширишнинг билвосита шакллари қуйидагилардан иборат:

очик ўқув машғулотлари;

илмий, илмий-методик ва илмий-амалий семинарларда, конференцияларда ҳамда маҳорат дарсларида маърузалар билан қатнашиш.

24. Очик ўқув машғулотлари – замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитишнинг интерактив усуллари қўлланилган ҳолда академик гуруҳларда жадвал бўйича ўтказиладиган олдиндан эълон қилинган муаммо ёки инновация мавзуси бўйича машғулотдир.

Очик ўқув машғулотларига тегишли соҳадаги тажрибали педагоглар, олимлар ва мутахассислар таклиф этилади.

Ушбу машғулотларнинг сифати Консерватория ва Марказнинг қўшма йиғилишида муҳокама қилинади.

25. Илмий, илмий-методик ва илмий-амалий семинарлар, конференциялар, август ўқишларида маърузалар билан қатнашиш – таълим ва тарбиянинг долзарб муаммолари, шунингдек, ўқув жараёнининг юқори сифатини таъминлашга йўналтирилган педагогика фани ва амалиёти, мусика соҳаси инновациялари, ўқитиш методологияси ва технологиясининг муҳим масалалари бўйича илмий ва илмий-методик маъруза (ахборот)лар билан чиқишлар орқали таъминланади.

26. Малака оширишнинг билвосита шакллари мусика соҳаси педагог ва мутахассисларини навбатдаги малака ошириш курсигача бўлган даврда ўз устида мустақил ишлаши натижаларини баҳолаш ва унинг касбий малака даражасини аниқлашга хизмат қилади, шунингдек, педагог ва мутахассисларни малака тоифаларига аттестациядан ўтказиш жараёнида ҳисобга олинади.

27. Мусика соҳаси педагог ва мутахассисларининг малакасини ошириш қуйидаги турларда амалга оширилади:

асосий ишдан ажралган ҳолда;

асосий ишдан қисман ажралган ҳолда (уйғунлаштирилган услуб);

асосий ишдан ажралмаган ҳолда (масофавий таълим).

28. Асосий ишдан ажралган ҳолда ва асосий ишдан қисман ажралган ҳолда (уйғунлаштирилган услубда) малака ошириш Консерватория ва Марказ базасида ўтказилади.

29. Асосий ишдан қисман ажралган ҳолда (уйғунлаштирилган услубда) малака ошириш курси умумий давомийлигининг 50 ёки 25 фоизи – Марказда аудитория машғулотларига ажратилади. Курснинг қолган қисми мусиқага ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактаблари (мактаб-интернатлар), ўрта махсус ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, хусусан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Ўзбек миллий мақом санъати маркази”, ансамбллар, оркестрлар базасида яқка тартибдаги топшириқларни бажарган ҳолда амалий машғулотлар ўтказилишини назарда тутди. Амалий машғулотларни асосий иш жойида ўтказишга йўл қўйилади. Амалий машғулотлар ҳар бир ўзлаштирилган модули бўйича тест синовлари, реферат топшириш, амалиёт бўйича ҳисобот ва шу каби шакллардаги назорат турларини назарда тутди.

30. Асосий ишдан ажралмаган ҳолдаги малака ошириш тури ўқитишнинг масофавий таълим шаклида амалга оширилади.

31. Қуйидагилар қайта тайёрлашнинг асосий турлари ҳисобланади:

педагогик қайта тайёрлаш;

касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув).

32. Педагогик қайта тайёрлаш – олий маълумотли нопедагог мутахассисларнинг базавий касбий маълумотини таълимнинг тегишли тури малака талаблари билан белгиланадиган ўқув-тарбия жараёнининг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли бўлган педагогик тайёргарлик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида мутахассисларни қайта тайёрлашдир.

33. Касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув) – олий педагогик маълумотли мутахассислар томонидан таълимнинг тегишли тури малака талаблари билан белгиланадиган ўқитишнинг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада ўқув фани ёки курс бўйича касбий фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли ҳажмда янги касбий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришни назарда тутди.

Мусиқа соҳаси педагог ва мутахассисларини касбий қайта тайёрлаш, ўқув режаларига янги ўқув модуллари ёки курслар жорий этилиши, ходимларнинг буюртмачилари ёки меҳнат бозорининг талаблари билан белгиланадиган айрим ходимларнинг қайта ихтисослашуви ёки янги мутахассисликка эга бўлиши муносабати билан Марказ ташаббусига кўра шартнома асосида ташкил этилади.

34. Мусиқа соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш асосий ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда амалга оширилади.

35. Таълим дастурларининг мазмуни ва ўқитишнинг давомийлиги малака талабларида кўрсатилган тартибда белгиланади. Қайта тайёрлашдан

муваффақиятли ўтган мусика соҳаси педагог ва мутахассисларига белгиланган намунадаги диплом берилади.

36. Қайта тайёрлашга иккинчи олий таълимни олиш сифатида қаралмайди. Қайта тайёрлаш натижасида бериладиган ҳужжат (диплом) фақат муайян лавозимда фаолият кўрсатиш ёки муайян фанлар бўйича ўқув машғулоти олиб бориш ҳуқуқини беради.

37. Марказ қайта тайёрлаш курслари фаолиятини буюртмачиларнинг буюртманомалари, малака талаблари, шунингдек, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи талаблари асосида ишлаб чиқилган дастурлар бўйича амалга оширади.

38. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари қўлланилади: маъруза; амалий ва яқка тартибдаги машғулоти; интерактив семинарлар; тренинг; кўчма машғулоти; тажриба алмашиш; мустақил ўқиш; лаборатория иши; битирув малакавий ишини (курсни тугатиш ишини) ҳимоя қилиш.

Айрим ўқув машғулоти Консерваториянинг ўқув ва моддий-техник базасида ташкил этилади.

6-боб. Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг давомийлиги, даврийлиги ва ўқув юкласининг ҳажми

39. Мусика соҳаси педагог ва мутахассисларининг малакасини оширишнинг давомийлиги уни ташкил этиш шаклларида ҳамда педагогнинг касбий малака даражасини ва индивидуал касбий эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан белгиланадиган талабларга боғлиқ ҳолда аниқланади.

Мусика соҳаси педагог ва мутахассислари 5 йилда камида бир марта, раҳбар ходимлар эса – 3 йилда камида бир марта малака оширишлари шарт.

40. Мусика соҳаси педагог ва мутахассисларининг малакасини ошириш дастурларини ўзлаштириш муддати ўқув режасига киритилган фанлар сони ҳамда уларнинг юкламалари ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади ва у 4 ҳафтадан (144 соатдан) кам бўлмаслиги шарт (қиска муддатли малака ошириш курслари бундан мустасно). Малака оширишнинг тўғридан-тўғри шакллари учун аудитория машғулотларининг ва мустақил ишларнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

41. Мусика соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш дастурларини ўзлаштириш муддати ўқув режасига киритилган фанлар сони ҳамда уларнинг юкламалари ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади ва у 16 ҳафтадан (576 соатдан) кам бўлмаслиги шарт. Аудитория машғулоти ва мустақил ишларнинг ҳафталик юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

Марказда олий маълумотга эга бўлмаган мутахассислар учун ўқиш муддати 6 ойдан (720 соатдан) кам бўлмаган мақом санъати бўйича қайта тайёрлаш курслари ташкил этилиши мумкин.

42. Аудитория машғулотларининг барча турлари 80 дақиқа давом этади, ўқув машғулоти оралиғидаги танаффус камида 10 дақикани ташкил этади.

7-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш

43. Малака ошириш курслари Вазирлик томонидан тасдиқланган буюртманома асосида ҳамда буюртмачилар билан тузилган шартномалар асосида Марказда ташкил этилади.

44. Марказга тақдим этиладиган буюртманомада ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, қачон ва қайси таълим муассасасини битирганлиги, диплом бўйича мутахассислиги, педагогик стажи, иш жойи, лавозими, охири марта малака оширган вақти ва сертификат рақами, малака ошириш йўналиши ва малака оширишга келадиган вақти (ойи) кўрсатилади.

45. Малака ошириш курсларидан ўтиш жадвали ҳар йили 15 декабрга қадар Вазирлик томонидан тасдиқланади ҳамда буюртмачиларга етказилади.

46. Буюртмачилар малака ошириш курсларидан ўтиш жадвалига асосан тегишли мусиқа соҳаси педагог ва мутахассисларининг Марказга ўз вақтида ўқишга етиб боришларини таъминлайдилар.

47. Жорий йилда буюртмага киритилмаган мусиқа соҳаси педагог ва мутахассислари Марказ билан тузилган шартнома асосида малака ошириш курсларидан ўтишлари мумкин.

48. Шартнома асосидаги мусиқа соҳаси педагог ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари буюртмачи талаби ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Марказда ташкил этилади.

Марказ буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш учун Вазирликка буюртманома билан мурожаат қилади.

49. Шартнома асосида қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

қайта тайёрлаш курсларида ўқиши режалаштирилаётган тингловчилар (фамилияси, исми ва отасининг исми, қачон ва қайси таълим муассасасини битирганлиги, диплом бўйича мутахассислиги, педагогик стажи) ҳақида маълумот;

қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш жадвали;

қайта тайёрлаш курслари учун услубий таъминотнинг (ўқув-мавзу режаси, дастурлар, мажмуалар) мавжудлиги ҳақида маълумот;

қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш учун етарли бўлган илмий-педагогик салоҳиятнинг (маърузачи ва амалий дарсларни олиб боровчи профессор-ўқитувчиларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, илмий даражаси ва илмий унвони, асосий иш жойи) мавжудлиги ҳақида маълумот;

қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш учун зарур бўлган моддий-техник базанинг (аудитория фонди, компьютер хоналари, фан хоналари, кутубхона ва ҳ.к.) мавжудлиги ҳақида маълумот.

50. Марказда қайта тайёрлаш курслари буюртмачи томонидан таклиф этиладиган йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади.

51. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига тингловчиларни қабул қилиш Марказ директори буйруғи билан расмийлаштирилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига тингловчиларни қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ курслар бошланиши санасидан бошлаб 3 кун мобайнида расмийлаштирилади.

52. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари бошлангандан кейин 3 кун мобайнида машғулотларга келмаган тингловчилар, келмасликнинг сабабларидан қатъи назар, курсларга қўйилмайди.

53. Мусика соҳаси педагог ва мутахассислари малака ошириш курсларига узрли сабабларга кўра ўз вақтида келмаган бўлса, уларга ўқишнинг тегишли йўналиши бўйича навбатдаги малака ошириш курсларида ўқишга рухсат берилади.

54. Марказ қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига тингловчиларнинг ўз вақтида келмаганлиги ҳақида тегишли буюртмачига хабар беради.

55. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув жараёни тегишли йўналишлар бўйича тасдиқланган намунавий ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилган ишчи ўқув режаси ва дастурлари асосида амалга оширилади ҳамда машғулотлар жадвали бўйича тартибга солинади.

Намунавий ўқув режаси ва дастурлари фан, техника, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосида ҳар йили такомиллаштирилади.

56. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёнига жалб этилган тингловчилар академик гуруҳларга бўлинади. Бунда, академик гуруҳлар камида 25 кишини ташкил этади. Академик гуруҳларни шакллантиришда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг йўналиши, ўқув режаси ва дастурлари, педагогларнинг базавий маълумоти ва эгаллаб турган лавозимлари, шунингдек, буюртмачининг талаблари ҳисобга олинади.

Малака ошириш курсларида тингловчилар контингенти етарли бўлмаган йўналишларда, истисно тариқасида, Марказ директори буйруғи билан малака ошириш масофавий таълим шаклида амалга оширилиши мумкин.

57. Тингловчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш тизими Вазирлик томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

58. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида машғулотлар ўтказиш учун Консерваториянинг етакчи педагог ходимлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг етакчи мутахассислари, докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича илмий кенгаш аъзолари, шунингдек, хорижий мутахассислар жалб этиладилар.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ўтказиш учун жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

59. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил қилиш, уларни талаб даражасида ўтказиш, таълим жараёни самарадорлигини таъминлаш ҳамда тингловчиларнинг яшаши учун шароит яратиш (Марказда тингловчилар турар жойи мавжуд бўлса) Марказ директори зиммасига юкланади.

8-боб. Малака оширишнинг масофавий шаклини ташkil этиш ва ўтказиш

60. Малака оширишнинг масофавий шакли (кейинги ўринларда масофавий таълим шакли деб аталади) Вазирлик билан келишган ҳолда, тегишли ўқув режаси ва ўқув дастурлари асосида, махсус виртуал курслар фаолият кўрсатадиган, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш учун зарур база билан жиҳозланган ҳамда тегишли моддий-техник, ўқув-методик базага ва ходимлар салоҳиятига эга бўлган Марказ томонидан ташkil этилади.

61. Масофавий таълим шаклидаги малака ошириш курсининг давомийлиги Марказда ўқишнинг тегишли курси академик соатларида белгиланади. бунда календарь муддатлар академик муддатлардан ортиқ бўлиши мумкин.

62. Масофавий таълим шакли бўйича курсларга юқори малакали, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини зарур даражада қўллаш кўникмаларига эга бўлган педагоглар қабул қилинади.

63. Масофавий таълим шакли бўйича ўқитиш жараёнида тингловчилар фаолияти, таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва йўналтириш, Консерватория профессор-ўқитувчилари таркибидан Консерватория ректори билан келишилган ҳолда, Марказ директорининг буйруғи билан бириктириладиган тьютор (педагог ўқитувчи-консультант) томонидан амалга оширилади.

Тингловчилар билан доимий алоқа боғлаш, тингловчиларга зарур методик ёрдам бериш, яқка тартибдаги машғулотни бажариш юзасидан назоратни амалга ошириш ва тингловчилар билимларини баҳолаш тьюторнинг вазифаларига киради. Тьютор яқка тартибдаги топшириқнинг тингловчи томонидан бажарилиши ҳолисона баҳоланиши учун жавоб беради.

Тьютор билан алоқа электрон почта, телефон ва бошқа электрон алоқа воситалари ёрдамида амалга оширилади. Шунингдек, тьютор билан алоқа контакт-сессиялар (бевосита юзма-юз мулоқот) тарзида (курснинг ўқув режасида белгиланган муддатларда) ҳам амалга оширилиши мумкин.

9-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

64. Буюртманомага киритилган малака ошириш курслари тингловчилари учун ўқишнинг барча даврида уларнинг асосий иш жойи бўйича эгаллаган лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланади, уларнинг ўқув юкламаси эса бошқа ходимлар ўртасида тақсимланади.

Бунда, малака ошириш курсларига юборилган мусика соҳаси педагог ва мутахассислари малака ошириш даврида ўтолмай қолган яқка тартибда ўтиладиган дарс машғулотларини улар курсни ўзлаштириб қайтганларидан сўнг интенсив (жадаллаштирилган) тарзда ўтказиб берадилар.

Ишдан ажралган ҳолда Марказга малака оширишга бошқа ҳудудлардан юборилган тингловчилар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқишга бориш ва ундан қайтиш бўйича бир марталик йўл ҳақи харажатлари уларни юборган томон ҳисобидан қопланади.

65. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тингловчилари Марказдаги ўқув аудиториялари, репититорийлари, ахборот-ресурс марказлари, соғломлаштириш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга.

66. Тингловчи қуйидаги ҳолатларда тингловчилар сафидан четлаштирилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

ўқув интизомини ва Марказнинг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

ўқув машғулотларини узрли сабабларсиз 18 академик соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

таълим дастурларини ўзлаштирмаганлиги учун;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги сабабли;

вафот этганлиги сабабли.

67. Тингловчи малака ошириш курсидан четлатилганда, унга Марказ томонидан сабаблари кўрсатилган ҳолда маълумотнома берилади, шунингдек, бу ҳақда уни малака оширишга юборган буюртмачига хабар берилади.

Малака ошириш курсидан четлатилган ёки якуний назоратдан ўта олмаган буюртма асосида келган тингловчи, кейинги ўқув йили учун буюртмачи томонидан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда, таътил берилиши асосида буюртманоммага киритилади.

68. Қайта тайёрлаш курси таълим дастурларини ўзлаштириш юзасидан якуний назоратдан кониқарсиз баҳо олган тингловчиларга камида 1 ойдан сўнг якуний курсни тугатиш ишини қайта якуний назоратдан ўтказиш (қайта ҳимоя қилиш) имконияти берилади.

10-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг битирув малакавий (курсни тугатиш) иши ҳимояси

69. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари ўқишни тугатгандан кейин, якуний аттестация комиссиялари томонидан ўтказиладиган битирув малакавий (курсни тугатиш) ишини (кейинги ўринларда битирув малакавий иши деб аталади) ҳимоя қилишдан ўтишлари керак.

Якуний аттестация комиссиялари Марказ директорининг буйруғи асосида Консерватория ректори билан келишилган ҳолда ташкил этилади.

70. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига якуний тест синовлари ижобий натижалари асосида битирув малакавий ишини ҳимоя қилишига рухсат берилади.

71. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим дастурлари талабларини муваффақиятли бажарган тингловчиларга тегишли равишда давлат намунасидаги қуйидаги ҳужжатлар берилади:

малака ошириш ҳақида давлат намунасидаги сертификат – камида 4 ҳафта (144 соат) ҳажмидаги таълим дастурларини ўтаган тингловчилар учун;

қайта тайёрлаш ҳақида давлат намунасидаги диплом – камида 16 ҳафта (576 соат) ҳажмидаги таълим дастурларини ўтаган тингловчилар учун.

Якуний назорат натижасида ўқитиш дастурини ўзлаштириш юзасидан қониқарсиз баҳо олган тингловчиларга ўқув курсини тамомлаганлик тўғрисидаги маълумотнома берилади.

Қайта тайёрлаш ҳақида давлат намунасидаги диплом ва малака ошириш ҳақида давлат намунасидаги сертификат белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

72. Муסיқа соҳаси педагог ва мутахассисларининг малака тоифаларини олиши (ўзгартириши) ва эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлигини аттестациядан ўтказишда улар қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларидан ўтганлиги тўғрисида ҳужжат (диплом, сертификат)нинг мавжудлиги талаб этилади.

73. Шартнома асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун харажатлар сметаси Марказ томонидан тузилади ва белгиланган тартибда Вазирлик томонидан тасдиқланади.

Харажатлар сметасида курснинг ўқув режаси ва дастурида назарда тутилган барча дарс машғулотлари учун тўланадиган соатбай ҳақ, Марказнинг моддий-техник таъминоти, курсни ташкил этиш ва ўтказишга жалб этилган (раҳбар, педагог ва техник) ходимларга тўланадиган иш ҳақи, уларни рағбатлантириш, шунингдек, тўланадиган солиқлар учун маблағлар назарда тутилади.

Шартнома асосида ташкил этиладиган курсларда ўқиш учун тингловчи томонидан тўланадиган маблағ мазкур курсларни ўтказиш учун сарфланадиган харажатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда (харажатлар сметасидаги жами харажатларни тингловчилар сонига бўлиш орқали) ҳисоблаб чиқилади.

Қайта тайёрлаш курсларида ўқиш учун Марказ билан буюртмачи ўртасида белгиланган тартибда тўлов контракти (шартнома) расмийлаштирилади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

11-боб. Якунловчи қонда

74. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



Муסיқа соҳаси педагоглари қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш тартиби тўғрисида низомга
илова

Муסיқа соҳаси педагоглари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Ижрочилар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати
1-босқич	Буюртмачи	1. Кейинги календарь йили учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юбориладиган тингловчилар рўйхатини шакллантириш. 2. Тингловчилар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига тақдим этиш. 3. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш учун Марказ билан шартнома тузиш.	хар йили 15 ноябрга қадар
2-босқич	Марказ	1. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш жадвалини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан тасдиқлатиш. 2. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш жадвалини буюртмачиларга етказиш.	хар йили 15 декабрга қадар
3-босқич	Марказ	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш: қайта тайёрлаш курслари камида 16 ҳафта (576 соат); малака ошириш курслари камида 4 ҳафта (144 соат); олий маълумотга эга бўлмаган мутахассислар учун мақом санъати бўйича қайта тайёрлаш курслари камида 6 ой (720 соат).	режа асосида
4-босқич	Марказ	Курсларни тамомлаган тингловчиларга: қайта тайёрлаш ҳақида давлат намунасидаги диплом; малака ошириш ҳақида давлат намунасидаги сертификат бериш.	курслар якуни бўйича